



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**“ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ
КАДРЛАР
ТАЙЁРЛАШНИИГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”
мавзусидаги илмий-амалий
анжуман материаллари**

БУХОРО - 2016

Манба: Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллифлар ишланмаси.[3. 4]

Жадвал кўрсаткичлари дарак берадики, Бухоро вилоятида туристик фаолият тўла тўқис ижобий йўлга қўйилган эмас. Туристтик инфратузилмаларни такомиллаштириш, янги имкониятларни яратиш бўйича сускаштлиқ сезилиб туради. Бухоро вилояти учун хос бўлган янги туристик йўналишларни излаш ва уларни тавсифномаларини яратиш лозим. Бизнинг фикримизча энг аввало маҳаллий, айниқса ёшлар туризмни тулақонли йўлга қўйиш мақсадга муофик. Бундай фаолият биринчи навбатда халқаро туризмни ривожлантириш учун пойдевор вазифасини ўтайди. Иккинчидан, маҳаллий, айниқса ёшлар юртимизнинг табиий, тарихий, иқтисодий, ижтимоий салоҳиятидан баҳраманд бўладилар.

Жаҳон мамлакатлари олдида юртимизнинг миллий хусусиятлари, айниқса миллий кадриятларни нечоғлиқ мазмундор ва улуғворлигини теран англаш имкониятига эга бўладилар. Минтақавий туризм билан боғлиқ тадбир ва ташкилий ишлар шаклан маҳаллий бўлсада мазмунан миллий моҳиятга эга бўлиши зарур.

Юқоридаги қайдлар қўйидаги хулоса ва тавсияларни билдиришни тақазо қилади.

1. Ўзбекистонда, жумладан Бухоро вилоятида туризм бозорини ривожлантиришда Жаҳон банки эксперт гуруҳи томонидан билдирилган хулосаларни инобат олиш мақсадга муофик.
2. Минтақавий туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш, ҳар бир минтақага хос бўлган янги туристик маршрутларни аниқлаш ва уларнинг тавсифномаларини яратиш зарур.
3. Маҳаллий (ички) айниқса ёшлар туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш лозим. Бу ўз навбатида Халқаро туризм бозорини ривожлантириш учун пойдевор вазифасини ўтайди ва юртимизнинг туристик салоҳияти теран англашга, халқимизда ватанпарварлик туйғуларини юксалтиришга холисона хизмат қилади

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси “Туризм туғрисида”ги Қонуни. Халқ сўзи, 1999 йил, 15 сентябрь, - №175.
2. Каримов И.А. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижрөия кенгаши 99 сессиясининг очилиш маросимдаги нутқи. Халқ сўзи газетаси, 2014, 10октябрь, - № 185.
3. Туризм Узбекистана. Статический сборник. – Ташкент., 2014. – 118 с.
4. Бухоро вилояти статистика бошқармаси. Йил ҳисоботи-2014йил.

ЁШЛАРНИ ЖИСМОНИЙ ЧИИИҚТИРИШ. ҲУСАЙН ВОИЗ КОШИФИЙ ҚАРАШЛАР

Б.Б.Маъмуров

БухДУ доценти

А.Ибрагимов

БухДУ катта ўқитувчиси

Г.Акрамова

БухДУ магистри

Ўрта асрлар мутафаккирларининг жисмоний тарбия, чиниқи шва соғломлаштириш тўғрисидаги таълимотини ўрганиш шу нарсдан далолат берадики, қадимдан жисмоний тарбия ва спортнинг кенг ривожланишига аҳамият берилган. Айниқса кураш, тош кўтариш, қўл жанги, сузиш, чавандозлик, кўпқарига алоҳида эътибор билан қаралган. Мазкур ўйин ва беллашувлар ёрдамида чакқон, эпчил, жасур кишилар аниқланган. Улар эл ардоғида бўлган. Шу боис турли тарихий даврларда одамлар жисмоний чиниқиш, спортни нафақат соғломлаштириш асоси, балки ҳаётга мукамал тайёрланиш омили эканлигини ўша вақтларданок тушиниб етишган.

Инсоннинг камолотида жисмоний чиникишнинг аҳамияти катта эканлиги тўғрисидаги таълимот Шарқнинг илк уйғониш даврида мукаммалашади. Аммо Ўрта Осиёнинг муғуллар томонидан истило қилиниши мунособати билан фан, маданият, архитектура, таълим-тарбия, жумладан жисмоний маданият, жисмоний чиникиш тўғрисидаги таълимотга раҳна солинди, тўхталиш бўлди. Ўрта Осиё халқлари XIV асрнинг бошларида муғул истилочилар зулмидан қутилгандан сўнг, Марказий Осиёда феодал давлати пайдо бўлди ва феодал мунособатлар ривожланди. Айниқса марказлашган буюк Темур давлатининг барпо этилиши Маворуннаҳрда фан, маданият, маориф, архитектуранинг Яна қайтадан раванг топиши билан ҳарактерлади.

Ёшларнинг жисмоний баркамоллиги тўғрисида махсус асар битилмаган, аммо Амир Темур «Тўзуқлари», Алишер Навоийнинг «Ҳамса» си ва «Маҳбуул қулуб» асарларида ёшлар жисмоний тарбияси учун ибратли маълумотлари олиш мумкин. Айниқса, Хусайн Воиз Кошифийнинг «Аивари Сухайлий», «Жавоҳирнома», «Китоби хотамнома», «Футувватномаи Султоний» каби асарларида жавонмардлик, соғлом фикрли комил инсон тўғрисида ибратли ғоялар баён этилган.

Таниқли тасаввуфшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Нажмидин Комилов ёзганидек «Умрни дўстлар хизматига бағишлаш, фақат яхшилиқни ўйлаб, яхшилиқ қилишдан чарчасмаслик, эзгу хулқ-атворга эга бўлиш, борини ўзгалар билан баҳам кўриш, муҳтожларга ёрдам бериш, пиру устозлар, дўсту-биродарлар номусини ҳимоя қилиш, зоҳиран ва ботинан пок юриб, покиза инсоилар, ахийлар, ёхуд фотийлар» нинг иши эди.

Футувватчилар муайян қоида-талабларга риоя қилиб, маънавий ва жисмоний етукликка интилар эдилар. Футувват-беғараз эзгулик, сахийлик, инсонпарварлик кўрсатиш деган маънони англатади. Гарчи бу асар ахлоқий тарбияга доир бўлсада, жавонмардларнинг мардлик, олийжаноблик, хислатларини ифода этганлиги учун уни жисмоний тарбия тўғрисида фикр баён этилган таълимий-ахлоқий асар деб айтиш мумкин. Чунки жавонмарда ----- ҳамма вақт маънавий ва жисмоний етукликка интилган.

Эзгу хулқ атвор, ўзи яхши кўрганини бошқаларга ҳам раво кўриши, дўст биродари, халқи, миллати-юрти шаънини, номусини ҳимоя қилиши, руҳан ва жисмонан поклик, ёрдамга муҳтожларга қўл чўзиш, яхшилиқка интилиш, яхшилиқ қилишдан чарчасмасликдек хусусиятларни ғоя қилиб олган шахслар аксарияти мусулмон халқларига ва айниқса ўзбек халқига хос хусусиятдир. Инсонларда бундай хусусиятларни шакллантиришнинг ғоявий асоси Ислом таълимотида мужассамлашгандир. Энг муҳими юқорида сифатлар аҳён-аҳёнда учрайдиган алоҳида ноёб шахслар ҳам эмас, балки бутуи халқ, миллат, жамоага хос хусусият сифатида жамиятдаги шахслараро мунособатларнинг моҳият ва мазмунини белгилаган. Жамиятдаги шундай мунособатлар таъсири остида «Сахийлар» ёки «Фатийлар» уюшмалар «Жавонмардлар» таълимоти вужудга келган.

Қадимий Хуросон, Маворауннаҳрда X асрдан бошлаб «Жавонмардлик» ёки «Футувватчилик» ҳаракати кенг ёйилган. Улар муайян қоида-талабларга риоя этар, қаерда бўлмасинлар, нима иш билан шуғлланмасинлар, улар назарида дуне бойлиги эмас, инсон қадри устун турган. Жавонмардларни Ироқда «Шотир», Хуросонда «Сабадор», Анамусия (Мағриб) да «Сухра» деб атаганлар.

Жавонмардлар олтин-кумушни назар-писанд қилмаганлар, балки уни маънавий таракқиёти учун бир восита деб қараганлар. Араб саёҳи Ибн Батута (XIII аср) «Сафарнома» китобтда «Мен дунёни кезиб бундай одамлар (яъни жавонмардлар) дан кўра эзгу ниятли ва эзгу хулқли кишиларни кўрмадим. Адолат расми шундай ривожланганки, аларнинг лашкарчоқларида олтин, кумуш тангалар эгаси топилмагунча ерда сочилиб ётади, ҳеч ким унга тегмайди».

Пири, устозига қўл бериб аҳд қилган ва мардлик белбоғини боғлаган жавонмардлар бир умр ўз аҳдига содиқ қолишга интилган, ўз шахсий ҳаётини жамоаси учун иккиланмай тиккан жавонмардлар уюшмаси ташқи душман билан жангларда мардлик кўрсатганлар. Улар орасидан атоқли лашкарбошилар, халқ қахрамонлари етишиб чикқан. Араб, муғул

боскинчиларига қарши жангларда Абу Муслим, Муқанна, Яъқуб Ибн Лайс, Мазайра, Маҳмуд Торобий каби ном таратганлар жавонмардларнинг вакиллари эдилар.

Жавонмардлар ҳаракати ўзининг бадий в илмий талқинини Хусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи Султоний ёхуд жавонмардлик тариқати» ахлоқий асарида топди. Мазкур асар етти қисмдан иборат бўлиб, учинчи қисми «кураш тушувчилар баёни» деб номланган.

Мазкур қисмда кураш тушувчилар ҳақида бир қадар аниқ ва илмий хулосалар баён қилинади. Муаллиф курашни илмий ва ахлоқ -одоб доирасида баён қилишга ҳаракат қилади.

Муаллиф биринчи навбатда курашга ҳунар сифатида мунособат билдиради. Кураш тушиш энг аввало яхши ва қулай ҳунардир. Кимки бу ҳунар билан шуғулланса, энг аввало ростгўй ва пок бўлиши лозим. Курашчилар учун ростлик ва поклик ҳаёт мезони ҳисобланади.

Кошифий кураш тушиш маъносида фикр юритар экан, таъкидлайдики, одам ўз ахлоқини ижобий томонга ўзгартиради. Кураш дегани бу ҳақида (писандида) ахлоқ ва замима (нописанд) ахлоқ ўртасидаги доимий мубориза ва зиддиятдир. Кураш тушишда биринчи ўринда нима туради-кучми ёки санъатми? Бу саволларга ҳам «Футувватномаи султоний» да жавоб берилиб, қувват қанча кўп бўлсаю, илм бўлмаса у ҳеч қандай фойда бермайди. Шунинг учун курашчи энг аввало, ушбу санъат илмини мукамал эгаллаб олмоғи лозим. Шундагина унинг қуввати моҳият касб этади дейди.

Шу билан кураш тушиш илми ёки амалми? Саволини қўйиб, Кошифий унга курашда илм билан амал бир-бирига чамбарчас боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди. Кимки бу санъат илмини яхши билса, унга амал қилмаса, бирон ижобий натижага эришиши кийиндир. Кураш санъатида илму амал бир-бирини тўлдириб, такомиллаштириб боради. Модомики кураш илм ва амал уйғунлигидан иборат экан, уни ўргатувчи (устоз) ва ўрганувчилар (шогирд) ўртасидаги мунособатларни ҳам ахлоқий асослари ҳақида «Футувватномаи султоний» да қимматли фикрлар баён қилинади.

Кошифий ўз асарида курашни ўргатувчи устозлар одобини ўн икки гуруҳга бўлади. Биринчи, устознинг ўзи пок ва комил бўлиши лозим, иккинчи, шогирдларини покликка хидоят қилмоғи лозим, учинчи, баҳил бўлмаслиги ва шогирдларидан ҳеч нарсани аямаслиги керак, тўртинчи, шогирдларига меҳрибон ва ғамхўр бўлиши, бешинчи, шогирдлар нонига кўз тикмаслиги, таъмагар бўлмаслиги лозим, олтинчи, шогирдларининг қобилиятига яраша таълим бериши, еттинчи, машқларни унинг имкониятидан келиб чиқиб танлаши, саккизинчи, шогирдларига ёмонликни раво кўрмаслиги, тўққизинчи, агар бирон шогирди ёмон кураш тушса, ёмон тушдинг демасдан, мулоиймлиқ билан унинг хатосини тушинтириш керак, ўнинчи, гар маърақада таълим бермоқчи бўлса, яширинча, ҳаммага ошкор қилмаслиги, уни рақиб билмаслиги лозим, ўн биринчи, кураш тушиш илмидан яхши хабардор бўлиши, ўн иккинчи, ўз пири ва устозининг зикри хайрини ҳеч қачон эсдан чиқармаслиги лозим.

Кошифийнинг таъкидлашича, юқоридаги ўн икки сифат кураш санъатининг комил устозлари учун сув ва ҳаводек зарур ва улар доимий равишда бу сифатларни такомиллаштириб бормоқлари лозим. Адиб ўз асарида шогирдлар одоби борасида ҳам муфассил тўхталган. Шогирд ҳам курашни ўрганишда ўнта талаб (одоб) га риоя қилиши керак. Булар: шогирд энг аввало ростгўй, тўғри сўзли бўлиши, иккинчи, яхши муомиллалар, учинчидан, соғлом ва пок ахлоқли, тўртинчи, яхши ниятли, бешинчи, ҳасад қилмаслиги, олтинчи, устозига садоқатли бўлиши, еттинчи, қизғанмаслиги, саккизинчи, баҳил бўлмаслиги, тўққизинчи, бошқа шогирдлар билан ҳамфикрлиги, ўнинчи, чин юракдан фидойилик, ўн биринчи - ўзининг куч - қувватидан мағрурлнмаслиги, ўн иккинчи, рақибининг мағлубияти (шикастланиши) дан хурсанд бўлмаслиги лозим. Кўраямизки, кураш билан шуғулланишни ўрганувчилар олдиға ҳам катта ахлоқий талаблар қўйилган. Шогирд келтирган талабларни бекаму кўст бажаргандагина, моҳир курашчи бўла олади. Бу талабларга риоя қилмаган шогирдларға кураш илми ўргатилмаган. Китобнинг кучини намойиш қилувчилар (зўрғарла) ҳақида иомли еттинчи

қисмида маругирлик, тош синдириш, тегирмон тошини кўтариш, сакраш, дор ўйнаш тўғрисида маълумотлар берилганки, улар биринчи томондан ёшларни жисмоний чиниктиришга ўргатса, жисмоний машқларни бошқариш орқали ҳалолик, мардлик, покизалик каби ахлоқий фазилатларини тарбиялаш имконини беради.

Умуман ушбу йўналишдаги асарлар ёшларни ҳар томонлама етук инсон сифатида камолга етказишга, жисмоний тарбиянинг, яъни жисмоний машқларнинг нафақат инсон соғлиги учун, балки инсон маънавий камолоти учун аҳамиятли эканлигини билиб оламиз. Шунинг учун баркамол авлодни тарбиялаш жараёнида, жамият меҳнаткашлари ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб, Ўрта аср мутафаккирларининг қимматли таълимотидан фойдаланиш чақириққача ёшларни жисмоний ривожланиши учун муҳим манбаа бўлиб хизмат қилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Том 9 – Т.: Ўзбекистон, 2001 – 432 б.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тарққиётининг пойдевори. Шу номли тўпламда. Т., 1998.
3. Баркамол авлод орзуси. Тўплам. Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Р. Аҳмаддинов, Ҳ. Саидов. – Т. 1999. – 182 б.
4. Хусайн Воиз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. – Тошкент., 1994.
5. Усмонжўжаев Т. С, Рахимов М.М. Мактабда жисмоний тарбия машғулотларини миллийлаштириш. – Тошкент, 1999.

БУХОРО ҒЎЗА НАВЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Х.Ш.Нематов, А.И.Иазаров, Б.И.Рахматов,
Ф.Ҳамдамов, И.Иематов

Бухоро вилояти Ғўза уруғчилиги ва нав синаш бошқармаси

Ўзбекистонда об-ҳаво турлича ўзгариб туришини ҳисобга олиб пахтадан юқори ва сифатли ҳосил олиниши учун тезпишар. Юқори пахта ҳосили берадиган ва қисқа килиб айтганда ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги даврида деҳқонбоп этиб янги ғўза навларини яратиш амалиётининг ва илм аҳли олдида турган энг масъулиятли ва шарафли вазифалардан бири ҳисобланади. Мана шу йўлда фаолият кўрсатаётган соҳа мутахассис ва олимлари томонидан Ўзбекистон пахтачилиги йилларида жами 394 та ғўза навлари яратилди. Ушбу яратилган ғўза навлари Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалик экинлари нав синаш Давлат Комиссиясининг РЕСТРига киритилган. Ушбу янги ғўза навлари Ўзбекистоннинг барча вилоятларининг тупроқ ва иқлим шароитларига мос келиши ҳисобга олиниб яратилган. Лекин ҳозирги кунда Ўзбекистонда асосий ғўза навлари қаторида республика бўйича фақат 21-22 та ғўза навлари экилиб, ушбу ғўза навлари республикамизда энг асосий ва юқори пахта ҳосили берадиган табиий қийинчиликлар ва ўсимликларнинг турли касаллик ва зараркунандаларига бардош берадиган, айниқса сувсизликка ва иссиқ ҳаво ҳароратига чидам берадиган навларга талаб фермерлар томонидан жуда кучли бўлмоқда [1]. Мана шу ишларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Республика бўйича фақат 21-22 та ғўза навлари экилиб келинмоқда. Бундан ташқари янги ғўза навлари ва истиқболли ғўза навларининг экилишига катта имкониятлар яратилиб берилган. Кейинги йилларда қарийб барча вилоятларда Июл ва август ойларида қаттиқ ГАРМСЕЛ – офати яъни иссиқлик ҳарорат 60 даражадан ҳам ошиб кетиб, ушбу ҳолат ғўза ўсимлигининг меъёрида ривожланиши ва керакли пахта ҳосилини тўплашга зарар етказмоқда. Энди деҳқон-фермерларнинг талаби – деҳқонбоп этиб янги ғўза навларини ИСИҚҚЛИК ЮҚОРИ ҲАВО ҲАРОРАТИ –ГАРМСЕЛга чидам берадиган навларни

М.Б.Курбонова, Ш.У.Бобожонов Таълимда халқаро инновацион ҳамкорлик (Малайзия давлати тажрибасидан)	256
Г.И.Атаева, Г.Муродова Ўқитишнинг компьютерли тизимлари	258
Г.Р. Хидирова, А. Исоев Бухоро вилоятида туризм бозорини ривожланиш тенденциялари	260
Б.Маъмуров, А.Ибрагимов, Г.Акрамова Ёшларни жисмоний чиниқтириш. Хусайн Воиз Кошифий қарашлар	262
Х.Ш.Нематов, А.И.Назаров, Б.Н.Рахматов, Ф.Хамдамов, И.Нематов Бухоро ғўза навларининг афзалликлари	265
Н.М.Назарова О'қувчиларнинг техник иждоқорлигини ривожлантириш методлари	267
А.Собиров Сейди Али раиснинг "Mirotul Mamolik" асарида Турон заминида уа'ни Movarounnahrda yuz bergan voqealar bayoni	270
М.Кодирхонов, П.Лутфуллаев, Й. Топматов, Р.Дехканов, Ш.Абдуллаев Проект «тисанеа» по предмету «защита окружающей среды и безопасность продуктов питания»	272
Х.Э.Тангиров, Ж.М.Мажидов, Ф.Н.Хантов Таълим сифатини оширишда ўқитишнинг электрон воситаларидан фойдаланиш	275
З. Ширназарова Таълим тизимини ислоқ қилишнинг президент Ислон Каримов асарларида акс этиши	279
Б.Қ.Мамазаров Ёшларнинг ўз хаётиини ўзи белгилашига доир	281

Адади 100 нусха. Буюртма №21. Ҳажми 288 бет.

“Шарқ-Бухоро” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел. (95) 604-39-00